

## 700 йиллик тарихга эга Қуръон нусхаси



17:47 / 11.04.2025 1331

Ўзбекхонга атаб олтин вараққа кўчирилган 700 йиллик тарихга эга Қуръон қўлёзмаси топилгани ҳақида ўтган йили Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон маданий мерос ҳафталиги доирасида маълум қилинган эди. Ушбу Қуръон 1318 йилда Олтин Ўрда хони — Ўзбекхонга атаб, олтин вараққа кўчирилган ва бу мўғуллар давридан кейин сақлаб қолинган асосий Қуръон мусҳафи ҳисобланади.

Туркиялик профессор Эмек Ушенмезнинг таъкидлашича, қўлёзма Усманийлар ҳукмдори Фотиҳ Султон Меҳмет томонидан 1475 йилги Қрим юришидан ўлжа сифатида Истанбулга олиб келинган. Ўзбекхон Қуръонининг нусхаси Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази Қуръон залидан жой олади.

Айни пайтда ушбу нодир Қуръони Карим қўлёзмасининг факсимиле нусхасини тайёрлаш жараёнлари қайси босқичда?

Батафсил қуйидаги ҳаволада

<https://www.youtube.com/watch?v=GuFs3loZZbQ>